Тазкия дарслари (78-дарс). Закот кимларга берилади?

13:00 / 28.03.2020 6059

Қодир бўлган ҳар бир инсон, берадиган закоти ва садақасига муносиб одамни танласин. Бунга муносиб шахсларнинг бир неча сифатлари бўлади.

Биринчи сифат: Тақво.

Закот ва садақа берувчи аввало тақводор кишилардан ҳақдорларни топиб беришга ҳаракат қилсин. Бу билан у тақво йўлида хизмат қилган бўлади.

???? ????? ??????? ?????? ????? ?????? ???????

?????? ??????? ????? ???????: «??? ????????

?????? ?????????? ????? ???????? ????????

?????? ??????». ??????? ????????????? ???????

??????? ??????????.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитган экан:

«Мўминдан бошқани соҳиб тутма ва таомингни тақводордан бошқа емасин».

Термизий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр обидларнинг сажда қилиб турган пайтларини танлар эди. Халтага солинган динор ва дирҳамларни олиб келиб, ўзини билдирмасдан, уларнинг кавушлари олдига ҳамёнини қўйганини сездирар эди, холос. Унга: «Уларга садақани шундоқ юбораверишингга нима монеълик қилади?» дейилганда, «Улар мени ёки вакилимни кўрганда юзлари бужмайишини хоҳламайман», деган экан.

Иккинчи сифат: Илм.

Чунки олимга мол беришда илмга ва дин тарқатишга ёрдам бор. Бу эса шариатни қувватли қилишдир.

Учинчи сифат: «Неъмат бериш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидан бўлади», деб эътиқод қиладиган ва ризққа сабаб бўлган нарсаларга илтифот қилмайдиган одам бўлиши керак.

Чунки бир нарсани олганда мадҳ қилишга одатланган шахс ололмай қолганда ёмонлаши турган гап.

Тўртинчи сифат: Фақирлигини яширадиган, ҳожатини беркитадиган ва шикоятини очиб ташламайдиган бўлиши.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«...билмаган киши иффатлари туфайли уларни бой деб ўйлайдиган (фақирларгадир)**»** *(273-оят).*

Бешинчи сифат: Оилали ва қарз ёки беморликка мубтало кишилар бўлсин.

Олтинчи сифати: Қариндош-уруғлардан бўлсин.

Чунки уларга қилинган садақа ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унга икки ажр берилур: яқинлик

ажри ва садақа ажри», деганлар.

Закотни ушбу юқорида зикр қилинган сифатлардан иккитасини ёки кўпроғини ўзида жамлаган кишига бериш афзалдир.

«Руҳий тарбия» китобидан